

Агар ростгўй бўлсангиз айтинг-чи, мана шу ваъда қачон бўлади?

05:00 / 11.03.2017 3765

Абул Ҳасан Мадоиний айтади: “Баъзи илм аҳллари шундай ҳикоя қилишган: “Бизнинг басралик бир дўстимиз бор эди. Ўзи меҳмондўст ва гапга уста одам эди. Бизни уйига таклиф қилишини айтиб, ваъда берди. Ҳар гал у ёнимиздан ўтганида унга: “Агар ростгўй бўлсангиз (айтинг-чи), мана шу (қиёмат тўғрисидаги) ваъда қачон бўлади?” (Анбиё, 38) дер эдик. У индамай кетаверарди. Бир куни у яна олдимиздан ўтиб қолди. Биз яна ўша гапни такрорладик. Шунда у: “Сизлар (дунёдалиқ пайтингизда) ёлғон деб юрган нарсага (энди) борингиз!” (Мурсалот, 29) деди”.

Ҳоний Ҳожининг “Солиҳлар ҳаётидан минг бир қисса”

китобидан Нозимжон Ҳошимжон таржимаси